*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

# ЖАМИЯТИМИЗ МАҚСАДИ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭРИШИШ

Мисол учун Тошкент шаҳридаги туман суди судьяларининг бир йиллик иш кўриш ҳажми ўртача жиноят ишлари 300 та, маъмурий ишлар 1400 тани ташкил этаётган бир пайтда вилоятлардаги туман судларида бу кўрсатгич сезиларли даражада кам эканини кузатиш мумкин.

Ҳуқуқий меъёрларни эркинлаштириш ва янгилаш суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг негизини ташкил этади. Қолаверса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ қонун ижодкорлиги узлуксиз давом этадиган жараёндир. Чунки деярли кўпчилик кодекслардаги ўзаро узвий боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдирувчи меъёрларни мазмунан бир хил ифодалаш осон эмас. Шу сабабли, амалдаги кодекслардан айримларини, мисол учун, Жиноят кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқишга объектив сабаблар мавжуд. Чунончи, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида Жиноят кодексининг умумий қисмидаги деярли кўпчилик меъёрлар мазмун жиҳатдан янгиланди. Рағбатлантирувчи меъёрлар кўпайди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган аёллар, вояга етмаганлар, нафақа ёшидагиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш амалиёти жорий қилинди. Шунингдек, ҳозирги пайтда Жиноят кодексининг махсус қисмидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноятларнинг санкцияларидаги номутаносиблик бартараф этилмаган. Бу тоифага мансуб жиноятларнинг айримларида жазолар муқобиллик асосида кетма-кетлик билан белгиланмаган. Жиноят кодексининг 131-модда 2-қисм, 276-модда 2-қисм, 277-модда 2-3-қисмлари ва бошқа шунга ўхшаш меъёрлар санкцияси бунга мисол бўла олади. Суд амалиётидаги жазо тайинлаш билан боғлиқ бундай номувофиқликлар одил судловни амалга оширишда хатога йўл қўйишга олиб келади.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриш билан боғлиқ процессуал кодексдаги айрим институтлар, мисол учун, процессуал мажбурлов чоралари тизимига киритилган эҳтиёт чораларидан ҳисобланган гаровни қўллаш, қамоққа олишдан кўра, инсонпарварлик принципига мосроқ. Шуни инобатга олиб, бу борада ҳам қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиш, гаровни ушланган гумон қилинувчиларга ёки биринчи уч тоифа (ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир) жиноятларни содир этган шахсларга қўллашни амалиётда кенг жорий этиш ҳам жамиятни эркинлаштириш принципига мос келади. Шунга ўхшаш апелляция тартибида иш юритиш босқичи битта суд иш юритувидан чиқарилиб, алоҳида апелляция судига айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай судлар биринчи инстанцияда иш кўрмасдан фақат апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида иш кўришга ихтисослаштирилади. Апелляция судининг афзаллиги шундаки, биринчи инстанция судларида кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган ҳукм, ажримларни ўзгартириш йўли билан узил-кесил қарор қабул қилинишига эришилади. Суд амалиётида учраётган ҳукмлар, ажримларни бекор қилиш ва қайта-қайта кўришга чек қўйилади. Бундай ёндошув сансалорликка барҳам беради, ишларни кўриш муддатларини қисқартиради, натижада фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.



Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни илмий ва амалий жиҳатдан асослантирилган бўлишини таъминловчи омиллардан бири ихтисослаштирилган Кенгашлар бўлиб, уларда Олий Аттестация Комиссияси тасдиғидан ўтган тадқиқот ишларида билдирилган илмий хулосалар, таклифлар, фикр-мулоҳазалардан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) билан қонун ижодкорлиги жараёни фаолиятини мувофиқлаштиришга имконият яратади. Чунки ОАКда барча тадқиқот ишлари янги коммуникация технологиялари асосида компьютерларда жойлаштирилган ягона ахборот тизим яратилгани қонун ижодкорлиги жараёнида тадқиқот натижаларидан оқилона фойдаланиш механизмини яратишда хизмат қилади. Бундай ёндошув назария билан амалиётни янада яқинлаштиради.

Мамлакатимиз Конституциясининг 7-моддасида **"халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир",** деб қайд этилган. Бу эса, демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Фуқаролик жамияти асосларини ҳуқуқий хусусиятга эга меъёрлар ташкил этади. Чунки юртимизда барпо этилаётган янги жамият мазмун-моҳияти билан эркин фуқаролик жамиятидир. Фуқаролик жамиятида демократик институтларни шакллантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, одил судловни амалга ошириш жараёни ҳам халқ вакилларининг иштирокини тақозо этади.

Шу маънода суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида халқ маслаҳатчиси (вакили) институтининг самарали ишлаши билан боғлиқ муаммоларни муҳокама этиш ва мазкур институт фаолиятини янада такомиллаштиришга зарурат сезилмоқда. Шунинг учун **суд жараёнида халқ вакилларининг ҳуқуқий мақоми** тўғрисида янги қонун ишлаб чиқиш ва бу ҳақда Жиноят процессуал кодексининг тегишли меъёрларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим.

*Istiqlol va imkoniyat*

Яна шуни айтиш жоизки, жиноят ишларини суд жараёнида кўриш механизмининг соддалаштирилган тизимига эътибор қаратишимиз лозим. Зеро, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ишни судда кўришда ҳам терговдаги каби қатъий муддатлар жорий қилинди. Унча оғир бўлмаган жиноятни содир этиб, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, зарарни қоплаган шахсларга нисбатан ярашув институтини қўллаш, яъни ярашув институти таъсир доирасини кенгайтириш ҳам жиноятчиликка қарши курашда инсонпарварлик принципининг янада кучайишига олиб келади. Ярашув институти жавобгарликдан озод этиш турларидан бири бўлиб, жавобгарликдан озод қилиш масаласи тергов органининг қарори билан ҳам узил-кесил ҳал этилиши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ярашув масаласи тергов жараёнида ҳал қилингач, ишни судга юборишга ҳожат қолмайди. Чунки тергов идораларининг ҳар қандай ишни тугатиш тўғрисидаги, жумладан, ярашганлик билан боғлиқ қарорлари прокурор назоратида экани ЖПКда белгиланган. Суд жараёнида тарафларнинг ярашув билан боғлиқ аризаси ҳал қилинганда бу ҳақда суднинг ажрими қабул қилиниши кифоя.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда босқичма-босқич тадрижий тарзда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар янада такомиллашув сари юз тутиб жамият ва давлатдаги барча соҳаларни эркинлаштириш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Зеро, ижтимоий адолатга асосланган эркин фуқаролик жамияти, демократик тамойиллар мужассамлашган ҳуқуқий давлатда қонун устуворлигига эришиш, ҳар бир инсонни қонунлар доирасида эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига эришишдек олий мақсад ётади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлар доктори**

---

*Qonun ko`magi*

# ТИКЛАНГАН ИМТИЁЗ



***Яқинда "United Consulting Group" қўшма корхонасида текшириш ўтказган Оҳангарон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари халқимизнинг етти ўлчаб бир кес, деган мақолига амал қилишганда, эҳтимол, бундай ноқулай аҳволга тушиб қолмасди.***

Шуни айтиш керакки, "United Consulting Group" ўзбек-исроил масъулияти чекланган жамияти 1999 йилдан буён мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг устав жамғармаси 150.000 АҚШ долларини ташкил этади. Шундан хорижий инвестор сифатида иштирок этган "Каролина технолоджи" МЧЖнинг улуши жамғарманинг 95 фоизи ёки 142500 АҚШ долларга тенг бўлиб, қолган қисми ўзбек томонидан иштирок этаётган ЧНПФ "Микрос"га тегишлидир.

Корхона асосан компьютерларни йиғиш, шунингдек, уларга дастурий таъминот ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Энг асосийси, қўшма корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг катта қисми чет элга экспорт қилинмоқда.

Қисқаси, мазкур қўшма корхонада текшириш ўтказган Оҳангарон шаҳар ДСИ уни 2002 йил учун ягона солиқ тўламаганликда айбдор деб топди ва зудлик билан тўловни амалга ошириш талабини қўйди. Ўз навбатида қўшма корхона раҳбарияти мамлакатимизда амалда бўлган қонунларга мос равишда белгиланган имтиёзга эга эканлигини солиқ идораси ходимларига тушунтиришди. Лекин бундан бирон-бир натижа чиқмагач, тўловни амалга оширишди. Сўнг тегишли идораларга мурожаат қилиб, бу масалага ойдинлик киритишда ёрдам беришни сўрашди. Жумладан, 2004 йил 25 ноябрда "United Consulting Group" қўшма корхонаси директори К. Қодировнинг Адлия вазири номига йўллаган шикоят аризасида шундай дейилади:

"United Consulting Group" қўшма корхонаси 1999 йил 24 июнда № 3052 рақами билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Корхонада камида 50 фоиз иш ўринлари ногиронларга ажратилган бўлиб, бунга доимий амал қилиб келинмоқда. Ногиронлар иш жойлари тўлиқ аттестациядан ўтказилиб, 2001 йилда Меҳнат вазирлиги томонидан "**Ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхона санитария-техник паспорти**" берилган.

Шу муносабат билан қўшма корхона 2001 йил 31 декабргача солиқ қонунчилигида кўзда тутилганидек, барча солиқ ва йиғим тўловлари бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланиб келади. Солиқ кодексига 2001 йил 7 декабрда ўзгартишлар киритилгач, шаҳар ДСИ 01.01.2002 йил 1 январдан бизга солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятини юклади.Натижада солиқчилар талаби билан 2002 йил давомида 22.395.100 сўм ягона солиқ тўлови тўлаб берилди.

Хорижий инвестор вакилининг ташаббуси билан қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, имтиёзлар бўйича корхона ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга қарор қилдик".

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўшма корхона фаолияти ўзаро тузилган шартномага мувофиқ "Бит-Аудит", "Сифат-Аудит" МЧЖ аудиторлик фирмалари томонидан бир неча марта текширилиб, камчилик аниқланмаган эди. 2002 йилда ҳам шундай аудит текшируви ўтказилган.

Аслида солиқ идораси ходимлари тадбиркорнинг оғзаки мурожаатларини қўя турайлик, ҳеч бўлмаганда, ёзма равишда берган аризасида келтирилган фактларга озгина эътибор берса, бунчалик оворагарчиликка ҳожат қолмасди.

Қолаверса, ваколатли идора ходимлари қонун ва меъёрий ҳужжатларни сизу биздан яхши билиши керак эмасми? Бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган суриштирув ишлари қўшма корхона раҳбарияти келтирган далиллар асосли эканлигини кўрсатди.

Биринчидан, қўшма корхона ташкил этилган вақтда амалда бўлган Солиқ кодексидаги **«корхона ходимларининг 50 фоиздан ортиғи ногиронлар бўлса, ушбу корхона барча солиқларни тўлашдан озод этилади» деган имтиёзга кўра корхона 2001 йил 31 декабрга қадар солиқ ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинган.**

Солиқ кодексига 2001 йил 7 декабрда киритилган ўзгартишларга мувофиқ бу имтиёзлар бекор қилиниши муносабати билан солиқ идоралари ходимлари қўшма корхонадан барча солиқ ва йиғимларни тўлашни талаб қилишган. Бу талабга кўра, 2002 йил давомида корхона томонидан 22.395.100 сўм солиқ тўланган.

Шу билан бирга амалдаги "**Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида**"ги қонуннинг 31-моддасида "**корхонадаги ходимларнинг 50 фоиздан ортиғи ногиронлар бўлса, ушбу корхона барча солиқларни тўлашдан озод этилади**" дея қайд этилган.

Ҳақиқатдан ҳам, қўшма корхонада меҳнат қилаётганларни сони бугунги кунда 50 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Аниқланишича, солиқ ставкалари кўпайтирилган вақтда "**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**"ги қонуннинг 16-моддаси, 2-қисмини шарҳлаш тўғрисида 2001 йил 9 августдаги "**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тўхтами**" амалда бўлиб, унда "янги солиқлар ва маҳаллий йиғимлар жорий этиш, солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг кўпайтирилиши, имтиёзлар бекор қилиниши билан боғлиқ солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулай шароитларни юзага келтириш деб ҳисоблаш керак" деб кўрсатилган экан.

Шунингдек, "**Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида**"ги қонуннинг 3-моддасида "Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади" деб кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб ҳамда қўшма корхонанинг фаолияти ва шарт-шароитларини ўрганиш натижасида вилоят адлия ходимлари қонундаги "**корхонадаги ходимларнинг 50 фоиздан ортиғи ногиронлар бўлса, ушбу корхона барча солиқларни тўлашдан озод этилади**", деган имтиёзнинг бекор қилиниши "United Consulting Group" қўшма корхонасининг шароитларини ёмонлашувига олиб келган ва ундан ноқонуний равишда 22.395.100 сўм солиқ ушланган, деган хулосага келишди. Шундан сўнг ушбу масала юзасидан Оҳангарон шаҳар ДСИ бошлиғи номига 2004 йил 18 декабрда № 11-1/5740 рақамли тақдимнома киритилди.

Унда "United Consulting Group" қўшма корхонаси ходимларининг 50 фоиздан ортиғи ногиронлар бўлганлиги учун барча солиқлардан озод этилиши ҳақидаги имтиёзни қўллаб, ноқонуний ундирилган 22.395.100 сўмни қайтарилиши сўралган эди.

Оҳангарон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Қ.Эргашев имзоси билан вилоят адлия бошқармасига 2004 йил 28 декабрда юборилган №00-2610-рақамли жавобда тақдимнома талаблари тўлиқ қаноатлантирилгани маълум қилинди. Яъни қўшма корхонадан ноқонуний ундирилган 22.395.100 сўм ягона солиқ келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилган.

**Маъмуржон ТЎЙЧИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

*Jamiyatimiz maqsadi*

***Яхши ният билан чимилдиққа қадам қўйган ҳар бир келин-куёв бу даргоҳнинг нечоғлик муқаддас эканини чин дилдан ҳис этиши, унга тан ва руҳ покизалиги билан кириши лозим. Келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш зарурати ҳақидаги ҳукумат қарори ҳам моҳият-эътибори шу эзгу мақсадга хизмат қилади.***

# СОҒЛОМ ОИЛА МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



"Оила" кодексининг 17-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**-ги қарорида ҳам бу ҳақда алоҳида қайд этилган. Соғлом никоҳдан соғлом фарзанд дунёга келади. Соғлом авлод эса миллат келажагини ойдин ва нурафшон қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш давлат томонидан бепул амалга оширилади. Мана икки йилдирки, келин-куёвлар ўз ихтиёрлари билан тиббий кўрикдан ўтиб, оила қуришмоқда. Қарши шаҳридаги 2-сон катталар шифохонасининг бош шифокори Фарҳод Омонов билан суҳбатимиз ҳам шу хусусида кечди.

Фарҳод ака бизни шифохонанинг "Оила ва никоҳ" хонасига бошлаб кирди. Бу хона келин-куёвларни никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтишига мўлжаллаб безатилган. Кўрикдан ўтказиш жараёнига раҳбар этиб тажрибали шифокор Гавҳар Муродова тайинланган. Гавҳар опа бизга 2004 йил якунлари бўйича қуйидагиларни гапириб берди: — **Биз ўтган йилни асосан тиббий кўрикнинг аҳамияти ва келин-куёвларга яратилган қулайликлар ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бошлаган эдик.** Никоҳдан ўтадиган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳафтанинг чоршанба, жума кунлари амалга оширилади. Йил давомида ФҲДЁ бўлимидан йўлланма билан келган 1455 нафар ёшлар кўрикдан ўтказилди. Улар орасидан 14 нафар йигит-қиз қайта даволашга юборилди. Тўғрисини айтганда, тиббий кўрикдан ўтиш кони фойда. Чунки соғломликнинг натижаси эртанги кунда ўзининг ширин-шакар мевалари — фарзандлар дунёга келганда яққол кўзга ташланади.

Сўзимиз сўнгида таъкидлаб ўтишимиз керак, фақатгина соғлом оила ва соғлом фарзанд миллат келажагини белгилайди.

**Ғози РАҲМОН**

---

*Jahon tajribasi*

***Компанияларни қўшиб олиш амалиёти дастлаб АҚШда бошлаган бўлса, кейинчалик Буюк Британияда ҳам татбиқ этила бошлади. XX асрнинг 80—90-йилларида аксарият олимлар бу жараён, эгалик қилиш нисбатан уйғунлашган, йирик давлатларга хавф солмаслигини таъкидлашган эди. Ҳаётий далилларнинг кўрсатишича, қўшиб олиш жараёни ҳозирги пайтда Европа давлатларида ҳам кенг ёйилди.***

# ГЕРМАНИЯ: АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Мисол тариқасида айнан Германияни танлаганимиз бежиз эмас. Чунки эгалик қилиш нуқтаи назаридан ва уйғунлашув даражасига кўра, Германия Ўзбекистонга яқин туради.

2000 йил баҳорида Германия ҳукумати тендер таклифлари учун юридик қоидаларни мустаҳкамлаш эҳтиёжини тадқиқ этадиган экспертлар комиссиясини таъсис этди. Комиссияга, агар шундай қоидаларга зарурат борлиги аниқланса, қўшиб олиш актини тайёрлаш таклифи билан чиқиш вазифаси юклатилди. Экспертлар комиссияси кўзга кўринган олимлар, тадбиркорлар ва касаба уюшмалари етакчилари, Германия Молия вазирлиги ходимлари, судьялар ва иқтисодчилардан таркиб топди. 2000 йил май ойига келиб, экспертлар комиссияси қўшиб олиш бўйича немис Актини яратишни таклиф этди ва бу Акт мазмуни бўйича таклифларини ҳам берди.

2000 йил июнида Германия Молия вазирлиги таклифга мувофиқ қонуннинг илк лойиҳасини ишлаб чиқди. Шу тариқа бир неча марта қайта ишланган "Қимматли қоғозларга эгалик қилиш ва компанияларни қўшиб олиш учун расмий таклифларни тартибга солиш Акти" 2001 йилнинг март ойида қабул қилинди.

Бу ҳужжат таклифларни икки турга ажратади: акциялар ва улардан олинадиган қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг ихтиёрий таклифлари; қўшиб олиш бўйича тендер ва мажбурий таклифлар. Шу билан бирга қуйидагилар эътиборга олинади:

- акция ва бошқа қимматли қоғозларга доир барча расмий таклифларни ўз ичига оладиган **ихтиёрий эгалик қилиш;**
- компаниянинг камида 30 фоиз овозини қўлга киритиш орқали компания устидан назорат ўрнатишга қаратилган **қўшиб олиш бўйича таклифлар;**
- қўшиб олиш Актига мувофиқ, компанияларнинг 30 ва ундан ортиқ овозини ташкил этиб назорат ҳуқуқини қўлга киритган барча акциядорларга мажбурий таклифлар қилиниши.

Яхлит олганда мазкур Акт икки хилдаги расмий таклифни тартибга солади: акцияга эгалик қилингани ҳақидаги оддий расмий овфертани ва Акт билан белгиланадиган компаниянинг 30 фоиздан ортиқ акцияси — овозини олиш орқали компания устидан назорат ўрнатиш тарзидаги қўшиб олишни.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 30 фоизли меъёр кўплаб мамлакатларда, жумладан, Ирландия, Янги Зеландияда ва бошқа давлатларда ўрнатилган. Шундай қилиб, агар расмий оферталар Германияда 30 фоиздан юқорини кўрсатса, у ҳолда бундай эгалик қилиш қўшиб олиш, деб ҳисобланади.

Биринчидан, акциялар пулга сотиб олиниши ёки қўшиб олаётган компания акцияларига олиниши лозим. Яъни бундай савдода, масалан, сотиб олиш учун кўчмас мулк ёки бошқа нарсаларни таклиф этиш мумкин эмас.

Иккинчидан, оферент томонидан таклиф этилган баҳо таклиф ҳақидаги қарор эълон қилингунча — уч ой олдинги компания акцияларининг ўртача баҳосидан кам бўлмаслиги керак. Бу борада Германия Акти Америка қонунчилиги кўзда тутган меъёрлардан қатъийроқ.

Учинчидан, оферент ёки қўшиб олишда у билан бирга иштирок этаётган одам ташкил этилган бозорда ёки ундан ташқарида (масалан, шахсий келишувда) мазкур компаниянинг қимматли қоғозлари учун таклиф ҳужжатлари эълон қилингунга қадар — уч ой ичида тўлаган тўловдан кам баҳони оферент таклиф этиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, бошланғич офертни қўшиб олиш босқичи доирасида қабул қилмаган бошқа акциядорлар бу ишни қўшиб олиш босқичи якунидан кейинги икки ҳафта мобайнида амалга оширишлари мумкин. Бироқ қўшиб олиш натижасида сотиб олинган акциялар сони 30 фоиз бўлса, яъни компания қўшиб олинди, деб ҳисобланганда юқоридаги қоида қўлланилмайди.

Бешинчидан, компания бошқармаси директорлар кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилишининг розилигисиз қўшиб олиш ишига қарши ҳеч қандай ҳимоя амалини қўллай олмайди.

Актнинг алоҳида бир боби компания устидан назорат ўрнатилганда, яъни компания қўшиб олингандаги оферт ҳолати, мажбуриятларига бағишланган. Назоратни қўлга киритган томон компания устидан назоратга эга бўлгани ҳақида зудлик билан эълон қилиши, кейин эса компаниянинг қолган акцияларини сотиб олиш мақсади ҳақида расмий оферт жўнатиши лозим.

Германия қонунчилиги таҳлилидан аён бўлишича, қўшиб олишиш тартиби тахминан қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Тендер таклифини тайёрлаш ва монополияга қарши назорат ҳамда қимматли қоғозлар ҳаракатини тартибга солиш бўйича ваколатли идораларнинг рухсатини олиш.
2. Акциядорлар ва корпорацияларга таклифлар ва хабарларни эълон қилиш. Бу таклифда оферент ҳақида, у сотиб олишни хоҳлаган акция миқдори, акцияларни сотиб олишдан мақсади, оферентнинг корпорацияни бошқаришига доир истиқболдаги тадбиркорлик режалари ҳақида хабар берилади.
3. Компания акциядорлари томонидан офертларни рад этиш ёки қабул қилиш учун ўйлаб кўришга вақт берилади.
4. Мазкур компаниянинг барча акциялари оферент томонидан сотиб олинади.
5. Овозга эга акциядорлар аксарият лимити (Германияда 30 фоиздан ортиқ) сотиб олинган ҳолда тендер жараёнининг шартлари ўзгаради.

Умуман айтганда, қўшиб олиш жараёнини тартибга соладиган бундай меъёрий ҳужжатлар мажмуи акциядорлик жамиятларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз фаолиятларини муваффақият билан амалга оширишларига шарт-шароит яратиш учун зарур. Қолаверса, бундай ҳимоя компания олдидаги ўз вазифаларини виждонан бажариб келаётган менежерларнинг, шунингдек, акциядорлар, хизматчилар, кредитор ва бошқаларнинг моддий ҳамда бошқа манфаатларига хизмат қилади.

**С. ҒУЛОМОВ**

---

*Muloqot*

# ТАЪТИЛ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

*Ҳурматли таҳририят ходимлари мен сизларга ўзимни қизиқтирган бир масала юзасидан мурожаат қилмоқдаман.*

*Мен навбатдаги меҳнат таътилига чиқиш учун ариза ёзганимда, мутасаддилар корхонага текширувчилар келиши муносабати билан кейинроқ таътил беришларини айтишди. Мен бунга рози бўлдим. Ва текширувлар тугагач, меҳнат таътилига чиқиш учун қайта ариза ёздим. Аммо раҳбарият иш кўплигини рўкач қилиб менга яна меҳнат таътилини беришмади. Айтмоқчиманки, меҳнат таътилига чиқишга раҳбарият қаршилик қилиши мумкинми? Агар меҳнат таътилига чиқиш муддати қайта-қайта ўтиб кетаверса қаерга мурожаат қилиш керак?*

**Ойдин БЕРДИЕВА,**
**Ғаллаорол тумани**

**Газетхоннинг бу саволига ҳуқуқшунос С.Ниёзова шундай жавоб беради:**

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ, барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимларга ҳам дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътили берилади. Айрим тоифадаги ходимларга, уларнинг ёши, соғлиғи инобатга олиниб, йиллик узайтирилган таътиллар ҳам берилиши мумкин. Жумладан, 18 ёшга тўлмаган шахсларга 30 календар кун, ишлаётган 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига 30 календар кун меҳнат таътили берилади.

Қонунга кўра, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан сўнг берилади.

Бундан ташқари меҳнат таътили қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши билан олти ой ўтмасдан олдин берилади:

— **аёлларга, ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки кейин;**

— **биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига.**

Меҳнат кодексининг 135-моддасига мувофиқ, ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Йиллик таътилларни бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил муддати қайта-қайта ўтиб кетаверса, бу ҳақда меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиш мумкин.

---

*Jinoyat va jazo*

# ИЛЛАТЛАР ДОЯСИ

**СУД ОЧЕРКИ**

### I. ҲАЁТ ЭРИЁТГАН ШАМ ЭМАС...

Албатта, ҳаёт, унинг маъно-моҳиятини ҳар ким ҳар хил талқин этади. Кимдир яшаш, умр кечиришни шунчаки ҳою-ҳавас деб билса, бошқа биров ўтаётган умрига катта масъулият билан ёндашади, бу ўткинчи дунёда ўзидан муносиб ном ва из қолдиришга интилиб яшайди.

Бахтиёр Нафиддинов ҳам бу дунёда қарийб ярим аср умр кўрди. Лекин у фақат ўзи учун, ўзича яшади. Бошқача айтганда, ҳар доим оғирнинг устида, енгилнинг остида юрди. Бундай худбин яшаш одамни охир-оқибат жар ёқасига етаклаб бориши тайин. Бироқ у буни ўз вақтида тушуниб етмади.

Аслини айтганда, бу дунёда одамдек яшаш, умргузаронлик қилиш учун ҳам мустаҳкам ирода, маъсулият керак.

Бунинг устига бундай тоифадаги кимсалар умрини елга совуриб ўтказади. Энг ёмони, улар яшаш бахт эканлигини ҳеч қачон англаб етмайди. Ортидан ёрқин из қолдириш, айтайлик, яхши ният билан ниҳол ўтказиш, иморат қуриш, зурриёд қолдириш каби инсоний фазилатлар уларга мутлақо бегона. Уларнинг назарида, ҳаёт гўё эриётган шамга ўхшайди. Ана шундай тоифага мансуб Бахтиёрнинг ҳам кўксига тиғ санчилганда, у ўлардек маст ҳолатда эди...

### II. ЎЧ ОЛГАН АЁЛ

Ўтган йилнинг сентябр ойи эди. Ҳали саратоннинг тафти сўнмаган, фақат тунлари ҳаво салқин тортиб қолган эди. Бахтиёр Нафиддинов 1999 йилдан буён никоҳсиз умр кечириб келаётган Татьяна Свешникова билан ўзлари истиқомат қиладиган Бухоро шаҳридаги Турсуной Авезова кўчасидаги 15/2 уй 30 хонадонда гапни бир жойга қўйишди. Яъни Ихтиёр Шарипов деган кишининг хонасини таъмирлашгани учун тўланмаган ҳақни олиш мақсадида унинг олдига борадиган бўлишди.

— Таня пулни олгач, боплаб бозорлик қиламиз,— деди Бахтиёр. — Шундай кунда юзтаюзта отмасак, бўлмайди. Дунёнинг роҳат-фароғатидан бенасиб қолмайлик. Улар Ихтиёр Шариповдан таъмир ишлари учун 10.000 сўм олишди. Сўнг олдиндан келишилганидек, тўппа-тўғри бозорга йўл олишди. Шаҳардаги "Дилкушо" бозоридан тўрт шиша вино, бир шиша пиво ва бир шиша арақ харид қилиб, уйга қайтишди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

